



CHINA'S NEW POLICY ON CENTRAL ASIA (ECONOMIC-POLITICAL ASPECTS)

Anvar Ergashevich Yuldashev

Doctor of Historical Sciences, Professor

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: Anvar_08@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: China, Central Asia, CIS, "One Belt One Road", economic expansion, "soft power" policy, investments, energy, underground resources, security.

Received: 04.07.24

Accepted: 06.07.24

Published: 08.07.24

Abstract: this article examines China's new policy towards Central Asian countries. The study covers political, economic and energy issues. According to the author, China views Central Asia as a major trade area and a source of energy resources, which is an important factor in ensuring its economic growth. In addition, China attaches great importance to ensuring stability in Central Asia, because any disorder that may arise in the region may have a negative impact on its internal affairs, including the situation in Xinjiang. The article states that China will continue to work to strengthen its influence in the region.

ХИТОЙНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СИЁСАТИ (ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ЖИХАТЛАР)

Анвар Эргашевич Юлдашев

тарих фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: Anvar_08@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Хитой, Марказий Осиё, ШХТ, “Бир камар бир йўл”, иқтисодий экспансия, “юмшоқ куч” сиёсати, инвестициялар, энергетика, ер ости бойликлари, хавфсизлик.

Аннотация: мазкур мақолада Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан янги сиёсати ўрганилган. Тадқиқот сиёсий, иқтисодий ва энергетика масалаларини қамраб олган. Муаллифнинг фикрича, Хитой Марказий Осиёга асосий савдо майдони ва энергия ресурслари

манбаи сифатида қарайди, бу эса унинг иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, Хитой Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашга катта аҳамият беради, чунки минтақада юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тартибсизлик унинг ички ишларига, жумладан, Шинжондаги вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мақолада Хитой минтақадаги таъсирини кучайтириш учун бундан кейин ҳам ҳаракат қилиши асосланган.

НОВАЯ ПОЛИТИКА КИТАЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (ЭКОНОМИКО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ)

Анвар Эргашевич Юлдашев

доктор исторических наук, профессор

Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: Anvar_08@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Китай, Центральная Азия, СНГ, «Один пояс, один путь», экономическая экспансия, политика «мягкой силы», инвестиции, энергетика, подземные ресурсы, безопасность.

Аннотация: в данной статье рассматривается новая политика Китая в отношении стран Центральной Азии. Исследование охватывает политические, экономические и энергетические вопросы. По мнению автора, Китай рассматривает Центральную Азию как крупную торговую зону и источник энергоресурсов, что является важным фактором обеспечения его экономического роста. Кроме того, Китай придает большое значение обеспечению стабильности в Центральной Азии, поскольку любые беспорядки, которые могут возникнуть в регионе, могут оказать негативное влияние на его внутренние дела, в том числе на ситуацию в Синьцзяне. В статье говорится, что Китай продолжит работать над усилением своего влияния в регионе.

КИРИШ

XX-аср охири XXI-аср бошларида дунёнинг энг йирик давлатлари ўртасида Марказий Осиёга таъсир ўтказиш мақсадида янгича кураш бошланди. Бунда минтақа давлатлари билан узоқ йиллик тарихий алоқалар, Қозоғистон Қирғизистон, Тожикистон мисолида умумий чегарага эга бўлган Хитой муҳим ўрин эгаллади. Бугун Хитой Марказий Осиё давлатлари билан янада ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларга эга. Минтақа мамлакатлари билан алоқаларни жадал ривожлантириш билан бир

қаторда Хитой Халқ Республикаси мазкур ҳудудда ўзининг иқтисодий экспансиясини ҳам жадал амалга ошириб бормоқда. Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон ҳам унинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистонлик хитойшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Аблат Хўжаев ўзининг “Марказий Осиёда Хитой омили” номли монографиясининг учинчи нашри учун ёзган “Кириш сўзида” таъкидлаганидек, Хитой минтақадаги мамлакатлар учун стратегик ҳамкорга айланди, бироқ Марказий Осиё давлатларининг аксарият аҳолиси бу давлат билан яхши таниш эмас, унинг сирли маданияти, ўзига хос характери, тафаккури, айниқса тарихини билмайди [1].

Марказий Осиё иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан Хитой учун энг муҳим минтақалардан биридир. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 30 йилдан ортиқ вақт ичида ташқи савдо айланма қарийб 100 баробарга кўпайган. Хитойнинг минтақадаги роли ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда Хитой Марказий Осиёнинг бешта давлати учун савдо-иқтисодий жиҳатдан энг муҳим ҳамкорга айланди [2]. Хитой Марказий Осиё давлатлари учун нафақат асосий савдо ва инвестиция шериги, балки муҳим кредит манбаси бўлиб улгирди. Масалан, 2023 йил якунлари бўйича Қирғизистон ташқи қарзининг 68% Хитойга тегишли эканлиги қайд қилинди (\$1.7 миллиард), Тожикистон ташқи қарзининг 52% и (\$1.2 миллиард) Хитой ҳиссасига тўғри келади. Тожикистон ўтган йили ўз ҳудудининг бир қисмини Хитойга берганидан кейин қарз ҳажми бир оз камайди, лекин Хитой томонидан берилётган янги сармоялар унинг қарзини яна ошироқда. Ҳозирда Тожикистоннинг Хитойдан қарзи унинг ЯИМ 30% дан кам эмас [3]. Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги вазият бирмунча яхши, аммо барибир кўрсаткичлар юқори даражада қолмоқда. Хусусан, Туркманистоннинг Хитойдан қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 16.9%, Ўзбекистон ЯИМнинг 16%, Қозоғистон ЯИМнинг 6.5% га тенгдир [4].

Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистон қарзларини қайтаришда турли қийинчиликларга дуч келишмоқда. Натижада Хитой компаниялари ушбу давлатларда бир қатор имтиёзлар олмақда. Бугун ахборот маконида тарқалаётган маълумотлар таҳлили Марказий Осиё давлатлари яна бир бор исканжага тушиб қолиши мумкинлигидан далолат бермоқда, бу сафар Хитойнинг иқтисодий ва сиёсий исканжасига.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мазкур ҳамкорликнинг иқтисодий- сиёсий жиҳатлари илмий мавзу сифатида Ўзбекистон манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалда яхши ўрганилмаган. Муаллиф ХХРнинг Ўзбекистондаги иқтисодий экспансиясини тавсифловчи асосий фактологик материаллар ва статистик кўрсаткичларни аниқлашга уриниб, улардан энг ишончлиларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонлик хитойшунос олим А.Хўжаевнинг “Марказий Осиёда Хитой омили” номли монографиясида Хитойнинг Ўрта Осиё билан қадим замонлардан то Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ташкил топишигача бўлган вақтдаги муносабатлари ўрганилган бўлиб, унда аксарият хитой манбалари асосида Хитой Халқ Республикасининг ривожланиши, Марказий Осиё минтақасидаги ҳолатга таъсири кўрсатилган. Хитой Марказий Осиё давлатлари билан янада ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларга эга.

Монографияда Марказий Осиё минтақаси ривожига жиддий таъсир кўрсатувчи қатор омилларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу, биринчи навбатда, ХХРнинг пахта, нефт ва газ бозорларидаги вазият, Марказий Осиёнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш контекстида, Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара масалаларини ҳал этиш даражаси, шунингдек, минтақадаги геосиёсий кучлар мувозанати ўзгаришининг ХХР ташқи сиёсатининг шаклланишига таъсири. Илмий асарда муаллифнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) ташкил этилиш сабаблари, такомиллашуви ва истиқболлари ҳақидаги фикрлари ўқувчида алоҳида илмий қизиқиш уйғотади, чунки у ШХТга Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига таъсирининг янги механизми сифатида қарайди.

Хитойлик Марказий Осиё бўйича мутахассис Син Гуанченнинг «Чжунго хэ синь дули дэ чжунья гоцзя гуаньси» (“Хитойнинг Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари билан алоқалари”) номли монографиясида собиқ СССР парчаланганидан кейин Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият таҳлил қилинган ва уларга нисбатан Хитойнинг янги сиёсатини шакллантиришда муаллифлик қарашлари ифодаланган.

Син Гуангчен фикрига кўра, Хитой Марказий Осиёдан ҳеч қандай алоҳида манфаат кўзламаяпти ва бошқа давлатлар билан рақобатлашиш ниятида эмас. Бироқ, Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Хитойни янги геосиёсий ва геоиқтисодий вазият билан тўқнашувига олиб келди. Агар илгари у фақат битта давлат - СССР билан иш олиб борган бўлса, энди у ташқи сиёсатининг хилма-хиллигига дуч келган ҳолда бир нечта давлатлар билан муносабатларни ўрнатиши керак. Бу Хитойнинг янги вазиятга мослашишини ва минтақа мамлакатларига нисбатан мослашувчан ташқи сиёсат олиб боришини талаб қилди. Китобда таъкидланганидек, бундай йўналишни давом эттиришда ХХР мавжуд ижобий ва салбий омилларни ҳисобга олади.

Буюк Британиялик Рафаэлло Пантуччи ва Александрос Петерсеннинг “Sinostan. China’s Inadvertent Empire” (“Синостон: Хитойнинг бехос империяси”) номли китобида Пекиннинг Марказий Осиёдаги стратегияси мисолида Хитойнинг империя сифатидаги

кўтарилиши изоҳ қилинган. Муаллифлар Марказий Осиёнинг Хитой учун ҳам ички сиёсати, ҳам глобал мақсадлари нуқтаи назаридан қанчалик муҳим эканини кўрсатиб беришган. Бутун китоб мазмунида Марказий Осиё Хитойнинг энг беқарор минтақаси бўлмиш Шинжон-Уйғур автоном районидаги узоқ муддатли барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири экани ҳақидаги фикр қизил ип бўлиб ўтади.

Китоб муаллифлари фикрича, Хитойнинг Марказий Осиёдаги тиниб-тинчимас фаолияти минтақадаги кучлар мувозанатини жиддий ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда. Масалан, ЕИ билан АҚШ Марказий Осиёга устувор минтақа сифатида қарамайди ва бу ерда Ғарбнинг таъсири аста-секин пасайиб бормоқда. Айниқса, бу пасайиш АҚШ қўшинлари Афғонистондан олиб чиқилгандан сўнг аниқ кўзга ташланиб қолди. Шу тариқа Пекин Марказий Осиёдаги минтақавий кооперация жараёнларини назорати остида сақлашга ва бошқа давлатларнинг минтақага интилишларига қаршилик кўрсатиш имконига эга бўлишга интиломоқда.

Россиялик олимлар А.Р.Гончаренко ва А.В.Монойлонинг “Ҳозирги босқичда Хитойнинг Марказий Осиёдаги стратегияси” номли тадқиқот иши Хитой ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ўрганишга бағишланган. Муаллифлар фикрича “ҳозирги босқичда ХХРнинг минтақадаги мақсадлари ва уларга эришиш учун фойдаланиладиган воситаларни аниқлаш”, дейилган. Манба сифатида асосан ғарб тадқиқотчиларининг асарлари танланган, чунки ғарб ХХРнинг минтақага таъсир ўтказиш бўйича рақиб сифатида унинг ташқи ва ички сиёсий фаолиятини батафсил таҳлил қилади. Натижада қуйидаги хулосалар чиқарилган: Марказий Осиё Республикалари уларнинг ресурсларидан фойдаланишга ва миллий элита устидан таъсир ўтказишга интилаётган, иқтисодий, ахборот-мафкуравий, кибермаконга таъсир ўтказувчи ташқи ўйинчилар учун рақобат майдони бўлиб қолади. Ташқи иштирокчилар фаолияти гибрид характерга эга бўлиши, минтақадаги давлатларнинг мустақил сиёсат олиб боришини қийинлаштиради.

Россия ҳукумати ҳузуридаги молиявий университет доценти Э.В.Махмутованинг “Хитойнинг Марказий Осиёдаги янги сиёсий механизми тўғрисидаги” мақоласида халқаро кескинликнинг давом этиши ва Америка дипломатиясининг минтақада фаоллашуви фониди Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши таҳлил қилинади. 2022-йил ХХР ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланди ва 2023-йилнинг май ойида Хитой-Марказий Осиё биринчи саммити бўлиб ўтди. Илгари ХХР ва минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар махсус форум доирасида институтлаштирилмаган эди, улар Хитойнинг “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасида ҳам икки томонлама форматда

хам, ШХТ доирасида ҳам ривожланиб келди. ШХТ доирасида Россия, Ҳиндистон, Покистон каби бошқа йирик минтақавий “ўйинчилар” мавжудлигини ҳам унутмаслик лозим.

Мақолада Марказий Осиё давлатларининг Хитой сармоясига иқтисодий қарамлиги ортиб бораётгани ва Хитойнинг Марказий Осиё иқтисодиётига кириб бориши чуқурлашиб бораётгани қайд этилган.

Шу муаллифнинг яна бир мақоласи “Хитойнинг Марказий Осиёдаги юмшоқ кучи”, деб аталган бўлиб, унда Хитой ташқи сиёсатини амалга оширишда қандай қилиб ажойиб натижаларга эришгани ёритилган. Сўнгги йилларда Хитой чет элларда Хитой таъсирини кенгайтиришга қаратилган барқарор институтлар тизимини яратди ва ривожлантирмоқда. Хитой нафақат у билан умумий чегарага эга, балки “Бир камар ва йўл” глобал лойиҳасининг бир қисми бўлган Марказий Осиёдаги “юмшоқ куч” сиёсати йўлида юқори фаолликни намоёниш этмоқда.

Шу муносабат билан муаллиф Хитойнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларини “юмшоқ куч” воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тажрибасини, айниқса, Россия-Украина можароси даврида глобал сиёсий тизимни қайта форматлаш контекстида ўрганишни муҳим, деб ҳисоблайди.

Қозоғистонлик тадқиқотчилар Д.С.Раев ва А.Э.Илимхўжаларнинг “Хитойнинг Марказий Осиёдаги ўрни ва манфаатларининг таҳлили” номли мақоласида Хитойнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати ўрганилган. Тадқиқот сиёсий, иқтисодий ва энергетика масалаларини қамраб олган. Муаллифларнинг фикрича, Хитой Марказий Осиёга асосий савдо майдони ва энергия ресурслари манбаи сифатида қарайди, бу эса унинг иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, Хитой Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашга катта аҳамият беради, чунки минтақада юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тартибсизлик унинг ички ишларига, жумладан, Шинжондаги вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мақолада келтирилишича Хитой минтақадаги таъсирини кучайтириш учун сиёсий алоқалардан фойдаланади.

Россиялик А.Ф.Клименконинг “Хитойнинг Афғонистонга нисбатан замонавий сиёсатининг айрим хусусиятлари” номли мақоласида Хитой Халқ Республикасининг Афғонистонга нисбатан сиёсати таҳлил қилинган. Муаллифнинг сўзларига кўра, Пекинни бу мамлакатнинг бутун Катта Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни назорат қилиш имкониятини таъминловчи қулай геостратегик мавқеи алоҳида қизиқтиради. Ҳарбий-сиёсий шароитлар билан бир қаторда Хитойнинг Афғонистондаги замонавий сиёсатига таъсир этувчи муҳим омил иқтисод, тўғрироғи ресурслар билан боғлиқ, яъни Афғонистон ҳудудининг ноёб ер ости бойликлар ва стратегик ресурсларга

бойлигидир. ХХРнинг Афғонистон билан ҳамкорликда минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳаси ҳам қизиқиш уйғотади, чунки Хитойнинг ўзи ҳам ШУАР мисолида худудий яхлитликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда.

Шу билан бирга, муаллифнинг фикрича, Хитой Марказий Осиё ва Афғонистонда ўз геосиёсатини шакллантиришда ҳозирги вазиятда “юмшоқ куч”дан фойдаланиш билан чекланади, чунки минтақа, гарчи у маълум қизиқиш уйғотса ҳам бу йўналиш унинг учун Осиё-Тинч океани каби муҳим аҳамиятга эга эмас. Муаллиф Афғонистондаги вазиятни таҳлил қилар экан, бу ерда Хитойдан ташқари ШХТга аъзо бошқа давлатларнинг ҳам ўз манфаатлари ва мақсадлари борлигига эътибор қаратади.

Россиялик олима Я.В.Лексютинанинг “Хитой Марказий Осиёда “пост-пандемия” даврида: ўзаро ҳамкорликнинг янги сифати” номли мақоласида 2022-йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб СОВИД-19 пандемияси таҳдиди пасайганини, унинг ўрнини шиддатли сайи-ҳаракатлар эгаллаганини таъкидлайди. Пекин Марказий Осиёдаги мавқейини тиклаш ва мустаҳкамлашни мақсад қилган. Хитойнинг минтақа билан ўзаро ҳамкорлиги “пандемиядан кейинги” босқичининг ўзига хос хусусияти, унинг Марказий Осиёга кириб боришида янги ёндашувлар ва воситаларни излаш бўлди, бу эса ривожланаётган минтақавий “буюк ўйин”да буюк кучлар ва ўзгарувчан сиёсий минтақавий манзарага мослашишда жадаллик ва ташаббусни йўқотмаслик истаги билан боғлиқ.

Мақола Пекиннинг Марказий Осиёдаги сиёсатидаги янги урғу, устувор йўналишлар ва воситаларни аниқлашга, шунингдек, “Пандемиядан кейинги даврда Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дипломатик, савдо-иқтисодий муносабатларни тўлдирга бошлаган янги мазмунни ёритиб беришга қаратилган.

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти Қ.Қ.Ҳақбердиев “Хитойнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатида янги вектор” мақоласида Хитойнинг Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларидаги ўрни ва ролини очиб беришга ҳаракат қилади. У ўз тадқиқотида Хитойнинг ташқи сиёсати ва минтақа давлатлари билан ташқи савдо алоқаларининг ҳозирги ҳолати ва динамикасига баҳо берган. ХХРнинг “Бир камар, бир йўл” ташаббуси мазмун-моҳиятини очиб берган. Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан ташқи сиёсатининг ҳозирги тенденциялари аниқланган.

Мазкур мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мавзуга доир асар ва нутқлари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Мақолада экспликатив ва тизимли таҳлил услублардан, контент таҳлил, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тарихий ҳамда воқеалар таҳлили (ивент-анализ) каби тадқиқот

усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, маълумотларни гуруҳлаш ва таҳлил қилиш ҳамда статистик маълумотларни баҳолаш усулларидан унумли фойдаланилди.

Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига ўтказётган кучли иқтисодий таъсири

Марказий Осиё иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан Хитой учун энг муҳим минтақалардан бири ҳисобланади. Хитой Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун асосий савдо шериги бўлиб улгурди. Мавзу бўйича маълумотлар таҳлили Хитой минтақанинг, биринчи навбатда, энергетика соҳасига катта сармоя киритаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, Хитойнинг минерал ресурсларга бўлган эҳтиёжи барқарор равишда ўсиб бормоқда, бу эса ўзга давлатлар қазилма бойликлари ресурслар базасига киришни таъминлашни долзарблаштиради. Мазкур нуқтаи назардан, Хитой учун имтиёзли ва қулай вариантлардан бири ёқилғи-энергетика хом ашёси, рудалар ва қайта тикланадиган энергияларнинг катта захираларига бой бўлган Марказий Осиё минтақасидир. Минтақанинг беш давлати бўйича олиб борилаётган Хитой сиёсати, унинг умумий ташқи сиёсат стратегияси контекстида олиб борилмоқда.

Фикримизча, бугунги кунда Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига ўтказётган кучли иқтисодий таъсири ва унинг натижаси вақт ўтиши билан сиёсий босимга айланиши ҳеч гап эмас. Бу эса яқин тарихда бизга маълум бўлган давлат чегараларининг ўзгаришларига олиб келиши эҳтимолини ҳам истисно этмайди. Ўтган асрнинг 90 йилларида мустақилликка эришган айрим Марказий Осиё республикалари чегарадаги ерларининг бир қисмини Хитойга беришга мажбур бўлган эди. Хусусан, 1994 йил Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев имзолаган ҳужжатга асосан Қозоғистоннинг 946 км². ер майдони Хитой таркибига ўтди. 1997 йил Қозоғистон – Хитой давлат чегарасининг делемитация қилиш жараёни тугатилиши натижасида яна 407 км². ҳудуд Хитой фойдасига ҳал бўлган эди. Ажабланарли жойи шундаки Хитойга берилган ҳудудлар ичида қозоқ-қирғиз халқлари учун зиёратгоҳ ҳисобланган “Хон Тангри” тоғи ҳам бор эди. Қирғизистоннинг биринчи Президенти Асқар Акаев 1999 йилда Хитойга ўша пайтгача баҳсли ҳисобланган “Узангу-Кууш” ерларини бериш тўғрисидаги битимга имзо чеккан эди. Натижада 161 минг км². ер Хитой ҳудудига бериб юборилди. 2011 йил Тожикистон тантанавий равишда Помирдаги ўз ҳудудининг бир қисмини, яъни 1,1 минг км². ерни Хитойга берди [5].

Ҳозир Қозоғистон иқтисодиёти нефт секторининг 30%, Қирғизистон олтин қазиб олиш соҳасининг 70% Хитой қўлида. Тожикистонда олтин қазиб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарнинг 80% Хитойга тегишли компаниялар қўлида. 2017 йил Хитойнинг “Tibet Hua Yu Minging Co Ltd.” компанияси Тожикистоннинг “Talko Cold”

корхонасининг 50% акцияларини сотиб олди. Бугунга келиб вазият шу даражага етдики, Хитой Тожикистоннинг стратегик аҳамиятга эга барча объектларини ўз назорати остига ола бошлади, ҳатто Помир тоғлари учун танқис ва долзарб бўлган сувни ҳам Хитой ўзининг Шинжон вилояти ҳудудига юбора бошлади. Тожикистон, шунингдек Шарқий Помирнинг олтин захираларига бой бўлган қисмини ҳам қарз эвазига Хитойга бериб юборди [3]. Бу эса ўз ерларини бериб юбораётган мазкур давлатларнинг Хитойга қарши чиқа олмаслигидан далолат беради. Туркменистон Хитойдан олган қарзларини газ эвазига узмоқда. Бу давлатнинг ҳам газ сектори секин-аста Хитой назоратига ўтмоқда.

Хитойнинг CGTN халқаро янгиликлар телеканали маълумотларига кўра, Марказий Осиёдан Хитойга нефт импорт қилиш имконини берувчи “Хитой-Қозоғистон” биринчи Хитой нефт қувури орқали 2022 йилда 11 миллион 250 минг тонна, жами 160 миллион тоннадан ортиқ нефт ташилган. Дунёдаги энг узун ҳисобланган “Марказий Осиё - Хитой” газ қувури аллақачон Хитойга 400 миллиард куб метрдан ортиқ газ етказиб берди ва ҳозирда мазкур қувурнинг тўртинчи тармоғининг қурилиши жадаллаштирилмоқда [6]. Қозоғистоннинг “forbes.kz/news” нашри маълумотида кўра 2022-йилда Хитойнинг Марказий Осиёнинг бешта давлати билан товар айирбошлаш ҳажми 45,4 % га ўсиб, 70,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиб, тарихда рекорд кўрсаткични қайд этди [7]. (АСЕАН давлатлари билан товар айирбошлаш эса бор йўғи 15 фоизга ошганлиги қайд этилган).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур ҳаракатлар Хитойга тижорат фойдасидан ташқари сиёсий ва стратегик вазифаларни ҳал қилишга имкон беради, хусусан ўзининг шимолий-ғарбий чегараларидаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида. Маълумки, Шинжон уйғур автоном райони Марказий Осиёнинг уч давлати (Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон) билан чегарадош. У ерларда диний-экстримизм ва терроризм хавфи мавжуд. Бундан ташқари, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида мустаҳкамланиш Хитойга Марказий Осиё давлатларидаги сув танқислиги шароитида уларга таъсир ўтказиш имкониятини беради, чунки у ГЭС ларни, жумладан минтақада йирик ҳисобланган Нурек ва Тохтагул ГЭС ларини технологик таъмирлаш ва қайта қуришда ҳам иштирок этмоқда.

Муаммолардан яна бири Марказий Осиё давлатлари ҳудудида Хитой диаспорасининг тезлик билан ўсиши. Тожикистон аҳолиси асосан Россияда ишлаб юрган бир вақтда, мамлакатдаги асосий ва катта – катта объектларни хитойликлар қурмоқда. Қозоғистонда ҳозир 500 мингдан ортиқ хитойликлар бор. 19 миллион аҳолиси бор Қозоғистон учун бу ниҳоятда кўп. Агар диаспоранинг тезлик билан ўсишини инобатга олсак, 10 йилдан кейин улар сони 3 баробар кўп бўлади. 20 йилдан кейин эса энг катта диаспорага айланади. 30

йилдан кейин қозоқларнинг ўзлари мамлакатнинг кичик диаспораси бўлиб қолиш эҳтимоли катта, албатта агар вазият ўзгармаса [8].

Бугун Хитой Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда ёрдам бера оладиган “катта ака” даражасига чиқиб улгурди. Ҳа тўғри, Хитой иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мазкур давлатларга ёрдам бермоқда, лекин керак пайтида ўзига керакли нарсаларни олиб қўймоқда ҳам. Охириги 20 йил ичида Хитой Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон билан стратегик ҳамкорлик битимларини имзолади [9]. Лекин Хитойнинг мазкур давлатлар билан ташқи сиёсати мазмунига эътибор қаратсак, унинг кучга асосланганини кўрамиз.

Буюк Британиялик Рафаэлло Пантуччи ва Александрос Петерсенларнинг таъкидлашича, 2000-йиллардан бошлаб Хитой ташқи сиёсатининг минтақадаги асосий эътибори Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) форматидан фойдаланган ҳолда Марказий Осиёнинг энергетика секторига қаратилди. 2010-йилларга келиб, ШХТ потенциали бир оз заифлашди, бунинг натижасида Хитой ва Россия ўртасида айрим зиддиятлар кўзга ташлана бошлади, чунки Москва минтақада интеграция тузилмалари (Божхона иттифоқи, ЕОИИ) фаолиятини фаоллаштирди. Булар эса Хитойга ШХТ доирасида янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермай қўйди. Оқибатда 2013 йилга келиб, Си Цзинпиннинг “Бир макон – бир йўл” ташаббуси пайдо бўлди. У Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни кўп томонлама форматдан икки томонлама форматга ўтказиш имконини бериши мумкин эди[10]. Бироқ, орадан кўп ўтмай, коронавирус пандемиясининг ҳалокатли оқибатлари сабаб “Бир макон – бир йўл” ташаббуси рақобат устунликларини йўқота бошлагани кўпчиликка маълум. Шу билан бирга Пекин ҳозиргача “Бир макон – бир йўл” дан ҳам, ҳатто ШХТдан ҳам воз кечишга тайёр эмас, чунки уларни ўзининг обрўси билан боғлиқ лойиҳалар деб билади. Айни чоғда Хитой “С1 + С5” (Хитой + Марказий Осиё) минтақавий форматидан фаол фойдаланишга киришган.

Маълум маънода айнан Марказий Осиё Хитой глобал нафси ортиб кетганининг ёрқин кўрсаткичидир. Ўтган 10 йил мобайнида “Бир макон – бир йўл” ташаббуси узоқ йўлни босиб ўтди. Агар Марказий Осиёни мисол сифатида оладиган бўлсак, бу ерда “Бир макон – бир йўл”, айниқса, 2015 – 2019 йилларда оддий ташаббусдан амалий инфратузилма лойиҳасига айланганини кўрамиз. Лекин шуни ҳам тушуниб етиш керакки, “Бир макон – бир йўл” муайян лойиҳагина эмас, умумий қараш ҳамдир. Юқорида номлари қайд қилинган Рафаэлло Пантуччи ва Александрос Петерсенларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа Си Цзинпиннинг катта ташқи сиёсат ғояси. ХХР раиси ушбу ғояни дунёга олиб чиқмоқда ва бу ғояни кўп жиҳатдан ўзининг ташқи сиёсий ғояси сифатида институционаллаштирди. Хитой коммунистик партияси конституциясига қаралса, унга “Бир макон – бир йўл”

киритилганини кўриш мумкин [10]. Фикримизча, бунинг маъноси шуки, токи ҳокимият жиловы Си Цзинпиннинг қўлида экан, “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси долзарблигича қолаверади ва ҳеч қачон қайиб бўлмайди.

Агар ўтмишга қайтиб, 1994 йилга назар солсак, Хитойнинг ўша пайтдаги раҳбари Ли Пэн илк марта минтақа бўйлаб сафарга чиқиб, Душанбедан бошқа (чунки ўша пайтда Тожикистондаги вазият фуқаролар уруши давом этаётгани учун жуда хавфли бўлган) барча пойтахтларга ташриф буюрганини кўрамиз. Қизиғи шундаки, унинг ўша пайтдаги сафари вақтида муҳокамалар учун мавзу қилиб, хитойликлар ўша пайтда айирмачи деб атаган уйғур диссидентлари туғдириши мумкин бўлган таҳдидлардан хавотирланиш, янги Буюк ипак йўлини қуриш ва минтақани дунёнинг қолган қисмлари билан алоқаларини йўлга қўйиш масаласи олинган эди. Расман икки масала, Янги Буюк ипак йўлини қуриш ва хавфсизлик муаммоси муҳокама қилинган эди. Аслида, минтақанинг энергетика ресурсларини Хитойга импорт қилиш масалалари ҳам кўрилган [11]. Агар, замонавий муносабатларга чуқурроқ қарасак, ҳозир ҳам мана шу 2 вазифа асосийлигича қолмоқда эканлигини кўрамиз. Лекин, ШХТ доирасида, кейинчалик С5 + С1 форматада ва бошқа кўплаб тузилмаларда муҳокама оҳанги ўзгарди. Айтмоқчи бўлган фикримиз шундан иборатки, Хитой доим муаммога комплекс, тизимли ёндашади, яъни барча фронтларда бир вақтда ҳаракат қилади.

Россия ва АҚШ бир-бирига қарши глобал ҳаракатлар билан машғул бўлган бир пайтда, Хитой тезлик билан ривожланмоқда. Ҳозир у бир қанча соҳаларда, хусусан космосда ҳам етакчилик қилмоқда. Ҳеч қандай санкциялар Хитойга халақит бера олмайди. Хитой АҚШ, Европа Иттифоқи, Россияга инвестиция киритмайди, лекин ўз инвестициялари эвазига Африканинг ярмини эгаллаб бўлди. Айрим Африка давлатлари ялпи ички маҳсулотининг 70-80% Хитой сармояларига тўғри келмоқда.

Хитойнинг Афғонистон бўйича ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари

Хитойнинг Марказий Осиё бўйича ташқи сиёсатини мазкур давлатнинг Афғонистон бўйича сиёсатидан, ҳаракатларидан алоҳида кўриб бўлмайди, чунки бу давлатлар қўшни ҳамда Афғонистон уларнинг барчаси билан чегарадош. Афғонистондаги вазият Марказий Осиёга таъсир қилмай қолмаслиги барчага маълум.

Бугун кўпчилик давлатлар Афғонистон ҳукуматини тан олиш керакми-йўқми деган масалани муҳокама қилаётган бир вақтда, Хитой ушбу давлат билан фаол ҳамкорликни бошлаб юборди. Маълумотларга қараганда, 2022 йил Афғонистонга ер ости бойликларини қазиб олиш, йўл қурилиши, инфраструктура ва бошқа соҳаларга 10 миллиард доллар сармоя киритди [12]. Мутахассисларнинг фикрича, Хитой учун Афғонистоннинг хавфсизлик жиҳатидан қараганда яхши геостратегик жойлашуви ҳамда иқтисодий тарафдан стратегик

ресурсларга бой эканлиги қизиқтиради. Хитой Афғонистоннинг янги ҳукумати биринчи кунлардан бошлаб қўллаб келмоқда. Биринчилардан бўлиб гуманитар ёрдам бера бошлади, биринчилардан бўлиб Қобулда ўз элчихонасини ва Пекинда толибонларнинг элчихонасини очди.

Айни пайтда Хитой ҳам Ўзбекистон олға сураётган трансафғон темир йўли лойиҳасини молиялаштиришга қизиқиш билдирапти. Боз устига, Хитой компаниялари аллақачон Афғонистонда иш олиб бормоқда. Улар ушбу мамлакат ҳудудида жойлашган қазилма бойликлари ҳақида етарлича маълумотга эга ва келажакда уларни ўзлаштиришда қатнашиш режалари ҳам йўқ эмас.

Афғонистондаги Толибон ҳукуматининг кон ва нефть вазирлиги маълумотларига кўра, Хитойнинг “Gochin” компанияси расмийлари ва вакиллари Афғонистондаги литий захираларига 10 миллиард доллар сармоя киритишдан манфаатдор эканликлари ҳақида маълум қилишган. Сармоя ҳисобидан мамлакатда 120 минг тўғридан-тўғри ва бир миллион билвосита иш ўрни яратилади, деб хабар берган «Дарё»нинг Афғонистон бўйича мухбири. Компания Афғонистоннинг шимолий вилоятларидаги энг йирик транспорт йўлларида бири бўлган Саланг довоини таъмирлайди ва яна бир туннель қазийди. Толибон ҳукумати конлар ва нефть вазири Шаҳабуддин Делавер “Gochin”нинг Афғонистондаги литий конларига сармоя киритишдан манфаатдорлигини қўллаб-қувватлади ва литий дунёдаги энг кам учрайдиган конлардан бири эканлигини айтди. Унга кўра, Кончилик ва нефть вазирлиги кон қонунчилигига мувофиқ мамлакатнинг барча конлари билан шартнома тузишга қарор қилган[13].

2023 йил январь ойида Толибон кон ва нефть вазирлиги Хитойнинг China Oil Economic ва Information Research Center компанияси билан Афғонистоннинг улуши 20 фоизни ташкил этувчи ва келажакда 75 фоизгача кўтариладиган умумий қиймати 6,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган еттига конни қозиш бўйича келишувларни имзолади. Толибон Афғонистонни эгаллаб олганидан бери Хитой ҳозирги режим билан иқтисодий алоқалар орқали ўз таъсирини оширди. Юқорида номи зикр этилган Шаҳабуддин Делавер журналистларга берган интервьюсида айтишича, Тоҳар вилоятидаги олтин конини “China-Afghanistan Company” ва “Zarawar Afghanistan Private” қўшма корхоналари қабул қилиб олади, улар лойиҳага 310 миллион доллар сармоя киритади [14].

Оммавий ахборот воситаларининг кўплаб хабарларига кўра, Афғонистондаги ер ости фойдали қазилмаларининг умумий қиймати 1 триллион доллардан ортиққа баҳоланмоқда ва Хитой компаниялари мазкур литий захираларига бой ҳудудга киришни узоқ вақтдан бери орзу қилишган.

Хитой-Марказий Осиё давлатлари савдо айланмасидаги тафовутлар

2023 йил 2 январь куни Европа ва Осиё минтақаларида кечаётган жараёнларга оид сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ахборот–таҳлилий маълумот тарқатувчи “Eurasianet.org” мустақил нашри Хитой Бош божхона бошқармаси ва Марказий Осиё давлатлари статистика қўмиталари маълумотларига асосланиб, Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро савдо айланмалари бўйича 2022-йил натижаларини эълон қилди. Бир қараганда оддий ҳолатга ўхшаб кўринган материалда томонлар тақдим этган статистик маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қилади, бу эса мазкур давлатлар орасидаги савдо айланмасининг маълум қисми норасмий сектордалиги ва бу ўз ўрнида минтақадаги мамлакатларда коррупция элементларининг мавжудлигидан далолат беради. Хусусан, Хитой-Қозоғистон савдо айланмаси 2022 йил 31,17 миллиардни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 23,6 фоизга кўпдир, дея хабар беради Хитой Бош божхона бошқармаси. Бунда Хитойнинг Қозоғистон Республикасига экспорти 16,35 миллиард долларни ташкил этиб, Қозоғистондан импорти 14,81 миллиард долларга тенг бўлган [15]. Қозоғистон Молия вазирлигининг юқори мартабали ходими статистик маълумотлардаги 6 миллиард долларга яқин тафовутларни келтириб ўтган. Илгари Қозоғистонда бундай номувофиқликлар очикдан-очик авж олган контрабанда билан боғлиқ эди, бож тўламаслик учун чегарадан олиб ўтилаётган товарлар ҳужжатлаштирилмайди, бунинг натижасида Қозоғистон давлат бюджети катта маблағлардан маҳрум бўлган [16].

“Қирғизистон 2022 йилда Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини 5 фоизга ошириб, 15,50 миллиард долларга етказди”, дея хабар беради Хитой бош божхона бошқармаси. Бунда Хитойнинг Қирғизистонга экспорти 15,42 миллиард долларни, Қирғизистон Республикасидан импорт эса 81,66 миллион долларни ташкил этди [17]. Қирғизистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатнинг умумий ташқи савдо айланмаси 2022 йилда 10,57 миллиард долларни ташкил қилган бўлиб, унда мамлакатнинг Хитой билан савдо айланмаси 4 миллиард долларни ташкил этганлиги қайд қилинган. Хитой Қирғизистон Республикаси билан 15,50 миллиард доллардан ортиқ савдо қилганини, Қирғизистон эса дунёнинг барча давлатлари билан бор-ёғи 10,57 миллиард долларга, шу жумладан, товар айирбошлашнинг қарийб ярмини таъминловчи МДХ давлатлари билан савдо қилганини даъво қилмоқда, яъни ХХР улуши 5 миллиард доллардан кўп бўлиши мумкин эмас [16]. Бундай катта тафовут қаердан келди ва унга нима сабаб бўлётгани аниқ эмас. Аммо, аввалроқ бу контрабанда ва коррупция билан боғлиқ бўлиши мумкин эканлиги ҳақида хабар қилинган эди.

Тожикистон Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини 2022 йилда 40,4 фоизга ошириб, қарийб 2,6 миллиард долларга етказди, деб хабар қилди Хитой Халқ Республикаси бош божхона бошқармаси. Бунинг катта улуши ХХРдан Тожикистон Республикасига (2,21 миллиард долларлик) маҳсулот экспорти, Тожикистон Республикасидан ХХРга товар экспрти эса 381,75 миллион долларни ташкил этди [16]. Хитойнинг Тожикистон билан товар айирбошлаш 2022 йил натижалари бўйича 1,2 млрд. долларни ташкил этганлиги ҳақида 2023 йилнинг 19 январь куни “Азия-Плюс” медиа гуруҳи Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигига таяниб хабар берди [18].

Агар статистик маълумотларга эътибор қаратсак, бу ерда ҳам сезиларли даражадаги тафовутлар мавжуд эканлигини кўрмиз. Агар Тожикистоннинг ташқи савдо айланмасида Хитойнинг улуши 16,6 фоизни ташкил этган бўлса ва Тожикистон ташқи савдосининг умумий ҳажми 7,3 миллиард долларга етган бўлса (тожик томони таъкидлаганидек), Хитой ва Тожикистон ўртасида 1,2 миллиард долларлик савдо амалга оширилган. Айни пайтда, Хитой бош божхона бошқармаси маълумотларига кўра, мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 2022 йилда 2,6 млрд. долларни ташкил этган, демак тахминан 1,4 миллиард доллар қаерга кетгани номаълум.

ХХР Божхона бош бошқармаси маълумотларига кўра, **Ўзбекистон** Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини 21,8 фоизга ошиб, 9,78 миллиард долларга етказди. Бунда ХХРдан Ўзбекистон Республикасига экспорт - 7,50 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикасидан ХХРга экспорт - 2,28 миллиард доллар [19]. Агар, Хитой БББ статистик маълумотлари тўғри бўлса, демак мамлакатлар савдо ҳажмини "деярли 10 миллиард долларга" етказиш бўйича илгари билдирилган мақсадларига 2022 йил натижаси бўйича эришилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисоботидан маълум бўлишича, Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми 8,92 миллиард долларни ташкил этган, шундан 2,51 миллиарди экспорт ва 6,40 миллиард доллари импортга тўғри келган [20]. Тафовут фарқи нисбатан кичик (қўшниларига нисбатан), лекин барибир мавжуд.

Ўзбекистоннинг Хитойга газ етказиб бериш бўйича статистик маълумотлардаги “ўн миллионлаб” потенциал тафовутлар ҳақида “Газета.уз” 2023 йил 22-январдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 20-январ куни эълон қилган ҳисоботида таяниб, маълум қилган эди. Унда Ўзбекистон 2022-йилда 910,9 миллион долларлик газ экспорт қилгани, унинг асосий қисми Хитойга тўғри келгани изох қилинган эди [21]. Шу билан бирга, Хитой божхона маълумотларида шу кўрсаткич 1,07 миллиард долларни ташкил этганлиги қайд қилинган [22], бу Ўзбекистон томонидан кўрсатилган миқдордан 159,5 миллион долларга кўпдир.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари

Кўпчиликка маълум, Марказий Осиё давлатларининг Хитой билан муносабатлари илдизи бир неча минг йиллик тарихга эга. Бугунги даврда Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегик шериклик даражасида. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган. Дипломатик муносабатлар эса 1992 йил 2 январдан ўрнатилган. Шундан сўнг, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида 2012 йил 6 июнда стратегик шериклик; 2016 йил 22 июнда кенг қамровли стратегик шериклик; 2022 йил 15 сентябрда янги даврда кенг қамровли стратегик шериклик ҳақидаги битимлар имзоланди [23].

1991 йилдан буён икки давлат раҳбарлари иштирокида 21 та саммит бўлиб ўтган. Ўзбекистонга Хитой Халқ Республикаси президентлари Сзын Сземин, 1996 йилда; Ху Цзиньтао, 2004 ва 2010 йилларда; Си Цзиньпин, 2013, 2016, 2022 йилларда ташриф буюришган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 11-13 май кунлари; 2019 йил 24-27 апрель кунлари; 2022 йил 4–5 февраль кунлари; 2023 йил 16-18 октябрь кунлари ҳамда 2024 йилнинг 23-24-январь кунлари Хитойга давлат ва хизмат ташрифлари билан борди. Бундан ташқари бир неча йиллардан бери икки давлат ўртасида парламентлар ва ҳукуматлараро турли доирадаги учрашувлар ташкил этиб келинмоқда [23].

Хитойдан ўзлаштирилган сармоя, кредит ва грантларга келсак, 2024 йилнинг 24-январь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитойга давлат ташрифи давомида Шэньчжэнь шаҳрида ўтаётган қўшма Инвестиция форумдаги нутқ сўзлаб, икки давлат ўртасида 2011 йилдан бошлаб ўзаро савдода энг қулай давлат режими ўрнатилганлигини таъкидлаб ўтди. Ўзлаштирилган Хитой сармоясини 2017-2023 йилларда 14 млрд. АҚШ долларини, шу жумладан, 2023 йилда 2,2 млрд долларни ташкил этганини қайд этди. Хитой Эксимбанки, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Хитой саноат ва тижорат банки орқали Ўзбекистонга берилган кредитларнинг умумий портфели 6,9 миллиард доллардан ошади. 2008-2022 йилларда 51 та лойиҳани амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг 246,3 млн долларлик, 2022 йилда эса 10,1 млн доллар миқдоридagi грантлари жалб этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Хитой сармоясини иштирокидаги 1763 та корхона фаолият юритмоқда, шундан 275 таси 2022 йилда ташкил этилган [24]. Давлат раҳбари келгуси йилларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш, шунингдек, айрим турдаги маҳсулотлар билан имтиёзли савдо қилиш тўғрисида шартнома тузиш орқали бу кўрсаткични 20 миллиардга етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази хабар беришича, Ўзбекистоннинг 2023 йил натижалари бўйича Хитой

билан савдо айланмаси 2022 йилга нисбатан 51,5 фоизга ошиб 13,7 млрд. долларни ташкил этди. Бунда экспорт ҳажми 2,5 миллиард доллар, импорт эса 11,2 миллиард долларга етган. Марказ бир йилда Хитойдан импорт улуши қарийб 75,2 фоизга ўсганини қайд этган [25].

Россия фанлар Академиясининг Е.М.Примаков номидаги дунё иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар Миллий институтининг ривожланиш ва модернизация Маркази иқтисодий муаммолар гуруҳи раҳбари А.А.Рогожин Хитой компанияларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштироки мониторинги натижалари бўйича берган маълумотидан, хитойлик сармоядорлар нефт-газ, кимё, тўқимачилик, электроэнергетика, цемент, кўмир саноати, шунингдек, қишлоқ, сув хўжалиги ва логистика соҳаларига сармоя киритишга катта қизиқиш билдиришаётгани маълум бўлди. Россиялик олимнинг таъкидлашича. Ўзбекистондаги сармоявий муҳит Хитой компаниялари учун анча қулай бўлиб, улар Россия, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони каби йирик рақобатчилар билан муваффақиятли рақобатлашиш имкониятига эга [26].

Қуйидаги 1-жадвалда 2000-2022 йилларда Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 78,5 баробар ўсиб, 95,5 миллион доллардан 7,5 миллиард долларга етганлиги кўрсатилган. Бунда Ўзбекистоннинг Хитойга экспорти 28,3 миллиард долларни, Хитойдан импорти эса 44,7 миллиард долларни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон-Хитой ўзаро савдоси Ўзбекистондан кўра Хитой учун анча фойдали.

1-жадвал.

2000–2022 йилларда Ўзбекистоннинг Хитой билан савдоси (минг доллар)

Год	Экспорт	Импорт	Оборот	Сальдо для Узбекистана
2000	22 450	73 018	95 468	-50 568
2001	14 870	91 750	106 620	-76 881
2002	17 331	112 766	130 097	-95 436
2003	53 319	163 143	216 462	-109 823
2004	101 470	265 662	367 132	-164 193
2005	228 283	257 212	485 495	-28 929
2006	356 588	377 564	734 152	-20 976
2007	314 414	589 542	903 956	-275 128
2008	257 457	1 253 468	1 510 925	-996 011
2009	489 005	1 562 428	2 051 433	-1 073 423
2010	931 847	1 252 009	2 183 856	-320 162
2011	1 302 223	1 397 236	2 699 460	-95 013
2012	1 463 106	1 894 840	3 357 947	-431 734
2013	2 055 433	2 455 090	4 510 522	-399 657
2014	2 123 647	2 396 758	4 520 405	-273 111
2015	2 472 245	2 258 144	4 730 388	214 101
2016	1 999 267	2 254 298	4 253 565	-255 031
2017	2 025 482	2 728 741	4 754 223	-703 259
2018	2 875 389	3 558 143	6 433 532	-682 755
2019	2 528 750	5 108 629	7 637 379	-2 579 880
2020	1 937 053	4 501 217	6 438 270	-2 564 163
2021	2 529 091	4 923 421	7 452 512	-2 394 330
2022*	2 240 150	5 260 929	7 501 079	-3 020 779
Итого в 2000–2022 гг.	28 338 870	44 736 008	73 074 878	-16 397 138

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон-Хитой ўзаро савдосининг товар таркибини таҳлил қилиш учун зарурий маълумотлар олиш имконияти қийин, бу тушунарли хол, чунки Ўзбекистондан Хитойга экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг салмоқли қисмини стратегик деб таснифланган товарлар ташкил этади. Булар биринчи навбатда уран ва олтин, камроқ даражада пахта ва табиий газдир. Хитойнинг Ўзбекистонга етказиб берувчи товарлари асосини автомашиналар, ускуналар, саноат хом ашёлари ва тайёр истеъмол товарлари ташкил этади. Ўзбекистон-Хитой савдо операцияларини кўрсатишдан мақсад, биринчи навбатда, уларнинг ҳар икки томон учун қанчалик фойдали эканлигини аниқлаш эди.

2022-2024 йилларда ўтказилган олий даражадаги музокаралар натижасида Ўзбекистон томони учун долзарб ҳисобланган лойиҳалар амалга оширила бошланди. Хусусан, Хитойнинг “Ипак йўли” жамғармаси Саудия Арабистонининг “ACWA Power” хусусий операторидан Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятида қурилаётган 1,5 ГВт қувватга эга газ электр станцияси лойиҳасининг 49 фоиз улушини 1 миллиард долларга сотиб олди. Шартномага кўра, “ACWA Power” корхонада 51% улушга эга бўлган лойиҳанинг асосий акциядори бўлиб қолади. Тўлиқ миқёсда тижорат ишга туширилиши билан электр станция Ўзбекистонда ўрнатилган ишлаб чиқариш қувватининг 8 фоизини таъминлайди ва саноат ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжининг 15 фоизини қондиради. Янги электр

станция курилиши Хитойнинг турли тижорат банклари томонидан молиялаштирилмоқда. Давлатга қарашли “China Energy Engineering Corporation” лойиҳа пудратчиси ҳисобланади. Курилиш ишлари 2024 йил охирида тижорат мақсадларида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

2023-йил бошларида Хитойнинг “GD Power – Powerchina” компаниялари консорсиуми Ўзбекистон Энергетика вазирлиги томонидан эълон қилинган Наманган вилоятида 150 МВт қувватга эга қуёш электр станциясини қуриш бўйича тендерда ғолиб бўлди. Ушбу консорсиум шунингдек Самарқанд ва Жиззах вилоятларида умумий миқдори 2,7 млрд. доллар бўлган катта ва кичик қуёш электр станцияларини қуриш бўйича тендерларни ютгани ҳам маълум.

2022-2023 йиллар Хитойнинг айрим компаниялари Фарғона вилояти ҳокимияти билан умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган иккита қуёш электр станциясини қуриш бўйича музокаралар олиб борди ва бу келишувларнинг натижаси бизга номаълум, чунки уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий муносабат билдирилмади.

Маълумотларга қараганда, Хитойники бўлмаган айрим хорижий компаниялар ҳам Ўзбекистонда энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда Хитой компанияларига мурожаат этишмоқда. Масалан, Бирлашган Араб Амирлигининг “Masdar” компанияси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан Навоий вилоятида 500 МВт қувватга эга шамол электр станциясини қуриш бўйича шартномани олгач, дарҳол Хитойнинг “Xinjiang Goldwind Science & Technology” шамол турбинаси ишлаб чиқарувчи компаниясига мурожаат қилиб, уни зарур жиҳозларни асосий етказиб берувчиси этиб тайинлади. 2024-йилда яқунланиши режалаштирилган ушбу лойиҳа Марказий Осиёдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, 2030-йилга бориб Ўзбекистоннинг умумий электр энергияси ишлаб чиқаришида яшил энергия улушини 30 фоиздан ортиқ ошириш режаларини амалга оширишга ўз хиссани қўшади [26].

Ўзбекистоннинг энг йирик – Газли газ сақлаш омборига эгалик қилувчи “Gazli Gas Storage”нинг 60 фоизлик улуши Хитойга тегишли бўлган Daxon Holding Limited'га сотилди [27]. Бу улуш аввалроқ Россиянинг “Форус” акциядорлик жамиятига тегишли эди. Қизик томони шундаки, газ омбори бошқарувчисининг улуши сотилгани, қандай шартлар асосида инвестиция киритилгани ҳақида жамоатчиликка батафсил маълумот берилмади. Компания 2019 йил 23 июлда Гонгконгга рўйхатдан ўтган.

Ўтган йили Хитойнинг “BYD” автомобил компанияси Ўзбекистоннинг “UzAuto Motors”и билан биргаликда Жиззах вилоятида электромобиллар ишлаб чиқариш ва “Chery” автомобилларини йиғишни бошлашга қарор қилгани маълум бўлди, бу эса ХХР

компанияларининг бошқа сохалардаги лойихаларга ҳам қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон-Хитой ўзаро савдосининг товар таркибини таҳлил қилиш учун зарур маълумотларнинг йўқлиги туфайли ниҳоятда қийин, бу тушунарли, чунки Ўзбекистондан Хитойга экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг салмоқли қисмини стратегик деб таснифланган товарлар ташкил этади. Булар биринчи навбатда уран ва олтин, камроқ даражада пахта ва табиий газдир. Хитойнинг Ўзбекистонга етказиб берувчи товарлари асосини автомашиналар, ускуналар, саноат хом ашёлари ва тайёр истеъмол товарлари ташкил этади.

Бизга экологияни ёмонлаштирадиган шунча цемент заводлари керакми?

Мазкур мақолада ўқувчи эътиборини яна бир долзарб муаммога қаратиб ўтмоқчимиз. У ҳам бўлса экология масаласи. Маълумки, охириги пайтларда Тошкент ҳавосининг сифати билан боғлиқ ҳолат кўпчиликда ташвиш уйғотаяпти. ОАВ маълумотларига кўра шаҳар ҳавоси ифлосланиши бўйича айрим вақтларда дунёда биринчиликка ҳам чиқмоқда. Бу саноат чиқиндиларининг юқори даражаси ва автомобиллар сонининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

Сўнги вақтларда Хитой инвесторлари ва компанияларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Бир жиҳатдан хориж сармоясининг кириб келиши иқтисодиёт учун яхши. Аммо бошқа томондан Ўзбекистонда яшаб қолиш ниятида бўлган Хитой фуқаролари маҳаллий аёлларимиз билан турмуш қуриб, мол-мулк сотиб олишаётгани, ижтимоий-маданий таъсир ва иқтисодий ҳукмронлик ҳақида хавотирларни уйғотмоқда.

Хусусий хитойлик сармоядорлар орасида нефт-газ, кимё, тўқимачилик, электроэнергетика, кўмир саноати корхоналарига, шунингдек, қишлоқ, сув хўжалиги ва логистика соҳаларига сармоя киритишга катта қизиқиш билдирилмоқда. Сўнги беш йилда ХХРнинг Ўзбекистонга киритган энг йирик сармоялари цемент саноатига эълон қилинди, хусусан булар қаторига Хитойнинг “Анхуи Сонч Семент” компаниясининг Тошкент вилояти Охангарон туманидаги цемент заводи қурилишига йўналтирган 200 миллион доллари, “Ҳуахин Семент” компаниясининг Жиззах вилоятидаги цемент заводи қурилиши учун йўналтирган 150 миллион доллари ва “Ҳенгюан Семент” компаниясининг Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги цемент заводи қурилишига мўлжаллаган 420 миллион долларини киргизса бўлади [26].

Маълумотларга кўра, хитойлик сармоядорлар очган цемент заводларининг барчаси кўмир ишлатмоқда экан. Афсуски саноат корхоналари чиқиндилари устидан назорат тизими етарли натижа бермаётгани боис Ўзбекистон бугун жиддий экологик муаммоларга

дуч келяпти. Улардан асосийлари саноат, хусусан, цемент ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, хориж сармоясининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсири билан боғлиқ. Муаммонинг кўламини англаш учун Ўзбекистондаги экологик вазиятни ҳал қилувчи барча омилларини кўриб чиқиш керак. Масалан, ҳозирда Ўзбекистонда мавжуд 38 та цемент заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 36 млн. тоннага етади. Бирок мамлакатда цемент истеъмоли 18 млн. тоннадан ортмайди [13].

Бугун Ўзбекистон олдида нафақат иқтисодий ўсиш, балки келажакка мустақил, экологик фаровон жамиятни қолдириш вазифаси ҳам турибди. Бу экологик муаммоларни ҳал қилишда комплекс ёндашув, жумладан, тоза энергияга ўтиш, атмосферага чиқаётган чиқиндилар мониторинги ва назоратини такомиллаштириш, аҳолининг экологик хабардорлигини оширишни талаб қилади. Бу ишлар ҳавонинг ифлосланишини камайтириш, ишлаб чиқариш ва барқарор истеъмол усулларига ўтиш, аҳоли орасида экологик маданиятни оширишга қаратилган чоралар билан боғлиқ. Шундагина Ўзбекистон табиий ресурсларини ва атроф-муҳитни сақлаган ҳолда уйғун тараққиётга эриша олади.

Шу ўринда Хитой ўзидаги экологик вазиятни яхшилаш учун фаол чоралар кўраётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, улар кўмрдан воз кечиб, соф энергия манбаларига ўтиш, саноат чиқиндилари устидан назоратни кучайтириш ва қайта тикланувчи энергияга сармоя киритишга эътиборни кучайтирмоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларидан Хитойда иқтисодий ислоҳотлар жадал ривожланиш билан амалга оширилди. Энергияга бўлган истеъмолнинг кўпайиши ва шаҳарларни ривожлантириш кейинчалик барчасини қайта йўлга солишда қийинчиликларга олиб келди. Шаҳарлар 1980 йиллардан бери кенгайиб борди. Ҳукумат иқтисодиётни юксалтиришга катта аҳамият берди.

2012–2013 йилларда Пекинни қоплаб олган тутун-чанг ҳатто ерларни ҳам бутунлай босган эди. Бу ҳаво одамларнинг касалланишига олиб келиб, фуқароларда норозилик пайдо қилди. Ҳаво сифати стандартларининг пасайиб кетгани одамларнинг ҳукуматга эътирозларини ошира бошлади. Охири 2014 йилда ҳукумат атмосфера ифлосланишига қарши кураш эълон қилди. Бу — кўмир истеъмолини 62 % гача чеклаб, соф ва қайта тикланувчи энергияни янада кўпроқ тарғиб қилишга асос бўлди. Бу мақсадга эришиш учун ҳукумат атроф-муҳит тизимини ислоҳ қилди. Бу йўлда саноат чиқиндиларига рухсат бериш тизимларини ишлаб чиқиш, ҳавони ифлослантирувчи манбаларни мониторинг қилиш учун миллий онлайн тизимини яратиш, атроф-муҳитга оид маълумотларни очиқлаш ва ҳудудларда экологик қоидаларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш каби чораларни кўрди. Ва бу Хитойда экологик вазиятни яхшилашга имкон берди. Биздани, бизда ахвол қандай? Бундай вазиятда биз қандай йўл тутишимиз керак?

ХУЛОСА

Хитой Марказий Осиёда ўз мавжудлигини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни олиб бормоқда. Мазкур сиёсат давлат корпорациялари, банклар, халқаро ва хорижий ташкилотлар иштирокида олиб борилиб, Хитойни нафақат ресурслар билан таъминламоқда, балки иқтисодий, геосиёсий ва геостратегик мақсадларига хизмат қилмоқда. Буларнинг бари Хитойнинг умумий ташқи сиёсий стратегиясининг элементлари десак бўлади.

Маълумки, 2019 ва 2020 йилларда Европа Иттифоқи ва АҚШ Марказий Осиё минтақаси бўйича янги стратегияларини қабул қилди. Улар реал вазиятни инобатга олган ҳолда ўзининг чекланган амбицияли хусусиятлари билан ажралиб туради. Хозир Европа Иттифоқи ҳам, АҚШ ҳам бошқа худудлар билан банд, Марказий Осиё эса уларнинг устувор йўналишлари қаторига кирмайди. Германиядаги Джорж Маршалл номли тадқиқот маркази профессори Пал Дуней АҚШ Давлат департаменти Марказий Осиё давлатларини “ёвуз ниятли давлатлардан мустақиллигини мустаҳкамлашга” ва “индивидуал суверенитетни кўллаб-қувватлашга ҳамда иқтисодий мустақилликка эришиш учун аниқ танлов қилишга” чақирмоқда, деб ёзади. Унинг фикрича, эҳтиёткорлик ва дипломатик этикетга асосланган матнга қарамай, АҚШнинг янги стратегиясидаги ғоялар нафақат террористик ва радикал исломий гуруҳларга тегишли эканлиги кундай аниқ. Бу таҳдидлар Россия ва Хитойга қаратилганлиги кўриниб турибди. Европа Иттифоқи эса асосан ҳамкорлик ҳақидаги эски “кўшиғини” такрорламоқда [30]. Аммо, бизни ўйлантирадиган иккита оддий савол: Европа Иттифоқи ва АҚШ Марказий Осиё минтақасига қанча сармоя киритди, киритмоқда ва киритади?

Маълумки, бир неча йил олдин АҚШ Марказий Осиёга бераётган ёрдам дастурларини бир неча баравар қисқартирган, Европа Иттифоқи эса минтақани молиялаштириш масалаларини кўришга ошиқмаяпти. Россия эса Украинадаги уруш билан овора. Бу ҳолат Марказий Осиё давлатларига деярли танлов қолдирмайди. Танлов бўлмаганлиги учун Хитой энг яхши танлов бўлиб қолмоқда. Афтидан, яқин келажакда бу вазиятни қайта кўриб чиқиш учун минтақа раҳбарларига сиёсий ирода керак бўлади.

Албатта, Хитойнинг ўзи Марказий Осиёда “ғаразли ниятлари” борлиги ва минтақада тўлиқ назорат ва ҳукмронликка эришиш учун ўзининг йирик геостратегиясини амалга ошираётганлигини ҳеч қачон тан олмайди. Хитойлик олим, Марказий Осиё бўйича мутахассис Син Гуанчень таъкидлаганидек, “Хитой Марказий Осиёда гегемон давлатга айланиш ниятида эмас. Хитойнинг Марказий Осиёда катта стратегияси йўқ, лекин дунё харитасидаги вазият Хитой хоҳлайдими ёки йўқми, уни минтақадаги энг муҳим ўйинчига айланганини билдиради” [1]. Бунга қўшимча равишда, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси Цзян Яннинг «Альтер Эго» нашрига берган интервьюсида “Хитой кредитларининг

хатарлари ҳақидаги хабарларни асоссиз, биз ҳеч қачон бунга сиёсий шартларни қўшмаймиз”, - деган сўзларини эслашимиз мумкин. Лекин, ўша интервьюнинг ўзида Цзян Ян хоним “...келишувларга бозор шароитлари ва муайян қоидаларга мувофиқ” роя килиниши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди [31].

Шу билан бир қаторда муаллиф, профессор А.Хўжаевнинг “Хитой нашрларининг мазкур мавзу бўйича ёзилган материаллари таҳлили, ХХР Марказий Осиёдаги янги геосиёсий вазиятни, янги ташкил этилган давлатларнинг хусусиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганмоқда дейишига асос беради” [1], деган хулосасига қўшилган ҳолда, минтақа давлатларининг ташқи ва ички сиёсати, иқтисодиёти, этнодемографик ва диний ҳолати, улар ўртасидаги интеграция жараёнлари, яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқалари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари Хитойнинг доимий эътиборидаги масалалардир, деб айта олади.

Лекин, таъкидлаш жоизки, икки томонлама ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатлари илмий мавзу сифатида асосан тарихий ёки сиёсий контекстда., айниқса муаллиф эътибор қаратгани Россия илмий соҳасида амалда ўрганилмаган. Муаллиф ХХРнинг Ўзбекистондаги иқтисодий экспансиясини тавсифловчи асосий фактологик материаллар ва статистик кўрсаткичларни аниқлашга уриниб, улардан энг ишончлиларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Ўзбекистонда бу жараённинг таҳлили етарлича олиб борилмаган.

Ушбу тадқиқот доирасида олиб борилган таҳлил Хитойнинг Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистондаги иқтисодий экспансиясининг асосий мақсадларини аниқлаш имконини берди. Буларга қуйидагилар киради:

Биринчидан, Хитой Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашдан манфаатдор. ХХР минтақадаги ижтимоий-сиёсий нотинчликдан, шунингдек, Афғонистон ва Яқин Шарқдан экстремизм ва террорчилик таҳдидларининг ўз ҳудудига тарқалишидан кўрқади. Шу муносабат билан Хитой минтақавий иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш орқали Осиёнинг ушбу қисмида вазиятни барқарорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Пекин бундай сиёсат нафақат Марказий Осиёда, балки билвосита Хитойнинг ўзида, яъни чегарадош Шинжон-Уйғур автоном районида (ШУАР) вазиятни нормаллаштиради, деган фикрдан келиб чиқади. Яъни, Марказий Осиёда бошқа йирик давлатлар ёки сиёсий ва мафкуравий кучларнинг, жумладан, Россия, АҚШ, шунингдек Ғарб ва мусулмон давлатларининг, шунингдек Марказий Осиё давлатларининг Шинжон-Уйғур автоном районида этник салбий таъсирини олдини олиш;

Иккинчидан, 1990-йилларнинг охиридан саноатнинг жадал ривожланиши боқичидан ўтаётган ва ресурсларни импорт қилиш манбаларини (биринчи навбатда,

углеводородлар, уран, олтин, газ) кенгайтиришга қаратилган ХХР сиёсатида Марказий Осиёнинг табиий ресурсларидан фойдаланиш орқали даромад олишга қизиқиши кучайди. Бу қизиқиш Марказий Осиё мамлакатларида мустақиллик сабаб ташқи иқтисодий алоқалар ва экспорт йўналишларини диверсификация қилиш вақтига тўғри келди. Натижада Хитой, Марказий Осиёни ўзининг асосий энергия етказиб берувчи минтақасига айлантириш;

Учинчидан, Хитой ХХI-аср бошларида Марказий Осиёдаги асосий рақобатчиси - Россиянинг иқтисодий мавқеининг аста-секин заифлашишидан фойдаланишга интилди, бу эса асосан Украинада махсус ҳарбий операция бошланганидан кейин Россия Федерацияси ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг ёмонлашуви туфайли тезлашди.

Тўртинчидан, ХХР анъанавий равишда Марказий Осиёдаги иқтисодий манфаатларини икки давлат - Қозоғистон ва Ўзбекистонга қаратган. Айнан улар Пекинга мавжуд афзалликлар нуқтаи назаридан қараганда, ушбу минтақада энг жозибали кўринади. Қозоғистон ва Ўзбекистон икки сабабга кўра Хитойнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкорлари ҳисобланади: 1) бозорлар катталиги ва уларга бўлган талабнинг юқорилиги туфайли; 2) Қозоғистон ва Ўзбекистон иқтисодиёти ва аҳолисининг минтақадаги бошқа мамлакатларга нисбатан юқори тўлов қобилияти.

Ўзбекистонга нисбатан Хитойнинг келгуси ўн йилликдаги иқтисодий манфаатлари фикримизча, асосан қуйидагилардан иборат бўлади:

-Хитой иқтисодиёти учун зарур бўлган қатор махсулотлар, шу жумладан ўрта муддатли истикболда - уран, олтин ва пахта ва узок келажакда - табиий газга эга бўлиш;

–кенг ассортиментдаги Хитой махсулотлари – саноат истеъмол товарларидан тортиб автомашиналаргача бўлган савдо бозорининг мавжудлиги. Бунда, биринчи навбатда, иккита омил ҳисобга олинади: демографик – Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга давлат (2024 йил бошига келиб аҳоли сони 37 миллионга яқинлашди) ва ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган мамлакатни муваффақиятли иқтисодий ривожлантириш салоҳияти.

Сиёсий жихатдан Хитой келажакда бутун минтақада етакчи ўринга эришишни мақсад қилиб қўйган.

Юқоридаги маълумотлар таҳлили кейинги 10 йил давомида минтақа иқтисодий жихатдан Хитойга кўпроқ қарам бўлишини кўрсатади. Бу қарамлик Хитойнинг Марказий Осиёдаги сиёсий нуфузи ортиб боришига сабаб бўлади. Минтақада хитойлик тадбиркорлар фаолияти жадаллашиши мумкин.

Бундан ташқари, сиёсий элитанинг ички муаммоларни ҳал этиш учун Хитой тажрибасини ўрганиши ва татбиқ этиши оммалашади. Масалан, Қозоғистон Хитой

тажрибаси асосида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун кузатув камераларни ўрнатапти. Ривожланиш ва тараққиёт йўлида ҳам Хитойдан кўпроқ андоза олиши мумкин. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев камбағалликни қисқартириш ҳақида фикр билдириб, мазкур муаммо бўйича Хитой тажрибасини ўрганишни таклиф этган эди. Менимча, минтақа давлатлари Хитой билан муносабатларда савдо алоқалари билан чекланиб қолмайди, балки ички сиёсатни юритишда ҳам андоза ола бошлайди.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур мамлакатлар ҳудудини ўзига кўшиш мақсадида Хитой чуқур ўйланган ташқи сиёсат асосида босқичма-босқич олиб боради. Яъни, биринчидан, қарз эвазига минтақа мамлакатларининг айрим ҳудудларини олиш ва Марказий Осиё ҳудудларини секин-аста ўз аҳолиси билан тўлдириш орқали назоратни ошириб бориш. Бундай кетишда вақт ўтиб, Хитойнинг ШУАРИ билан Марказий Осиё давлатларининг орасида фарқ қолмай қолади. Натижада кейинги йилларда Марказий Осиё мамлакатларининг айрим жойларида аксилхитой акциялари кўпайишини кузатиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, Хитой компаниялари, кўшма корхоналар кўпайиши туфайли фуқароларнинг бир қисми Хитой компаниялари билан яқиндан ишлашни ўрганади, саёҳат қилиш ва таълим олиш фаоллашади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии (история и современность) - Ташкент, издательство “Фан”. 2020. -406 с.
2. За 30 лет товарооборот между Китаем и странами Центральной Азии вырос более чем в 100 раз. http://russian.news.cn/2022-01/18/c_1310428551.htm.
3. Хитахунов А. Экономическое сотрудничество между Центральной Азией и Китаем. <https://www.eurasian-research.org/publication/economic-cooperation-between-central-asia-and-china/?lang=ru>
4. Хвостова М.О. Политика Китая в странах Центральной Азии в области освоения полезных ископаемых. Проблемы постсоветского пространства 2023;10(1) С.57- 66.
5. Китай осваивает месторождения Таджикистана и Киргизии. Ia-Centr. 13.07.2023 г. <https://www.ia-centr.ru/experts/ia-centr-ru/kitay-osvaivaet-mestorozhdeniya-tadzhikistana-i-kirgizii/>
6. 2022 году через нефтепровод “Казахстан-Китай” перекачен 11 миллион 250 тысяч тонн нефти, всего 160 миллионов тонн нефти. <https://russian.cgtn.com/home>.
7. Товарооборот Центральной Азии и Китая в 2022 году вырос на 45,4%. https://forbes.kz/news/2023/01/14/newsid_292923.

8. Матяшова Даря. Какие идеи Китай пытается транспортировать в Центральную Азию. Ia-Centr. <https://ia-centr.ru/experts/darya-matyashova/kakie-idei-kitay-pytaetsya-translirovat-v-tsentralnuyu-aziyu/>
9. США против Китая в Центральной Азии: на Казахстанском и Узбекистанском инфофронтах. Ia-Centr. 21.03.2023 г. <https://ia-centr.ru/publications/ssha-protiv-kitaya-v-tsentralnoy-azii-na-kazakhstanskom-i-uzbekistanskom-infofrontakh/>
10. Raffaello Pantucci, Alexandros Petersen. Sinostan. China's Inadvertent Empire https://books.google.co.uz/books/about/Sinostan.html?id=i81kEAAAQBAJ&redir_esc=y.
11. Чженьпень Лян. Интересны Китая в Центральной Азии. The Newman in Foreign policy, 2017, 39(83) – p.11-18.
12. Клименко А.Ф. Некоторые особенности современной политики Китая в отношении Афганистана. <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-osobennosti-sovremennoy-politiki-kitaya-v-otnoshenii-afganistana>
13. Кон-руда ва нефть вазири вазифасини бажарувчи Шаҳабуддин Делавер журналистларга берган интервьюси. <https://daryo.uz/k/yangiliklar>
<https://tolonews.com/afghanistan//>
14. Китайское чудо: восстановит ли Пекин экономику Афганистана 2021.URL.<http://riafan.ru/1506793>
15. Экономическое сотрудничество между Центральной Азией и Китаем. <https://www.eurasian-research.org/publication/economic-cooperation-between-central-asia-and-china/?lang=ru>
16. Данные по торговле Китая и Центральной Азии разнятся. Это может быть коррупция. <https://24.kg/ekonomika/257325>
- Товарооборот между Китаем и Кыргызстаном превысил \$4 млрд <https://russian.cgtn.com/news/2023-03-13/1635165959770845186/index.html>
18. 18. Потерянные миллионы с таджикско-китайского товарооборота. <https://www.asiaplustj.info/news/tajikistan/economic/20230314/poteryannie-millioni-s-tadzhiksko-kitaiskogo-tovarooborotahttps>.
19. Товарооборот Центральной Азии и Китая в 2022 году вырос на 45,4%. https://forbes.kz/news/2023/01/14/newsid_292923.
20. Ўзбекистон 2022 йилда Хитойга 10 млрд долларлик газ сотгани маълум бўлди. <https://kun.uz/kr/news/2023/01/20/ozbekiston-2022-yilda-xitoyga-1-mlrd-dollarlik-gaz-sotgani-malum-boldi#!>
21. Поставки трубопроводного газа из России в Китай в 2022 году выросли в 2,63 раза. <https://tass.ru/ekonomika/16843843>.

22. 2023 йилда Ўзбекистоннинг Хитой билан савдо айланмаси ҳажми кескин ошди <https://daryo.uz/k/2024/01/23/2023-yilda-ozbekistonning-xitoy-bilan-tovar-ayirboshlash-hajmi-515-foizga-osdi>.
23. Ўзбекистон-Хитой муносабатлари хронологияси. <https://kun.uz/kr/83760478>.
24. Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон-Хитой инвестиция форумида иштирок этди. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-prezidenti-ozbekiston-hitoy-investiciya-forumida-ishtirok-etdi_561412.
25. 2023 йилда Ўзбекистоннинг Хитой билан савдо айланмаси ҳажми кескин ошди <https://daryo.uz/k/2024/01/23/2023-yilda-ozbekistonning-xitoy-bilan-tovar-ayirboshlash-hajmi-515-foizgaosdi>.
26. Рогожин А. А. Экспансия Китая в Узбекистан: экономический аспект. Анализ и прогноз. Журнал ИМЭМО РАН, 2023, № 2, -С. 43-56.
27. Маматова М. Ўзбекистондаги энг йирик газ омбори эгасининг улуши Хитой компаниясига сотилдими? <https://qalampir.uz/news/uzbekistondagi-eng-yirik-gaz-ombori-egasining-ulushi-khitoy-kompaniyasiga-sotildimi-97901>.
28. Ташкент возглавил мировой рейтинг по загрязненности воздуха. <https://uznews.uz/posts/71782>.
29. Камбағаллик ва коррупцияни қисқартириш борасида Хитой тажрибаси ўрганилади. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/02/06/china/>.
30. Пал Дуней. Последствия для евроатлантического миропорядка <https://perconcordiam.com/ru>.
31. «У нас нет политических условий». Посол Китая — о китайских кредитах. <https://www.gazeta.uz/ru/2022/05/19/china-credits/>